

## Эй уммат қиёмат яқин... (тўртинчи мақола)



15:33 / 12.06.2020 2406

Ҳузайфа ал-Ғифорий розияллоху анҳудан ривоят қилинади: **«Набий алайҳиссалом олдимизга чиқиб келдилар. Биз гаплашиб ўтирган эдик. Бас, у зот: «Нимани гаплашмоқдасизлар?» дедилар. «Қиёматни гаплашмоқдамиз», дейишди. «Албатта, у ундан олдинги ўнта аломатни кўрмагунингизча қоим бўлмас», дедилар ва Тутунни, Дажжолни, Доббани, қуёшнинг мағрибидан чиқишини, Ийсо ибн Марям соллаллоху алайҳи васалламни нозил бўлишларини, Яъжуж-Маъжужни, учта ер ютишни; машриқдаги ер ютишни, мағрибдаги ер ютишни ва араб жазирасидаги ер ютишни ва охири Ямандан чиқиб одамларни маҳшарга қувлайдиган ўтни зикр қилдилар».**

*Муслим, Термизий ва Абу Довуд ривоят қилишган.*

Шарҳ: Бу ҳадису-шарифда қиёматнинг катта аломатларидан бир нечтаси ҳақида сўз кетмоқда.

1.Тутун.

Қиёматдан олдин бир тутун зоҳир бўлади. У кофирларнинг нафасини олади ва мўминлар учун тумовдек бўлади. Ўша тутун ер юзида қирқ кун туради.

2.Дажжол.

Дажжол ҳақидаги батафсил маълумотлар келгуси саҳифаларда келади, иншааллоҳ.

### 3.Добба.

Қиёматнинг энг катта аломатларидан бири бўлган «Добба»-жонвор ҳақида «Намл» сурасида бир оят бор. Аллоҳ таоло:

«Қачонки уларнинг бошига сўз(ланган азоб) тушганида, Биз улар учун ердан бир добба-жонивор чиқарамиз. У уларга, албатта, одамлар Бизнинг оятларимизга ишонмайдиган бўлганларини айтиб беради», деган.

Бу ҳодиса қиёматнинг аломатларидан биридир. Аллоҳ таоло ушбу ояти каримада кофирлар бошига ваъда қилинган сўз-қиёмат азоби тушиш чоғида ердан бир ҳайвон чиқариши ҳақида хабар бермоқда. Демак, бу ишнинг бўлиши муқаррарлигида ҳеч қандай шубҳа йўқ. Саҳиҳ ҳадиси шарифларда бу ҳайвон қиёматнинг аломатларидан бири эканлиги, тавба қилса, фойда бермайдиган вақт бўлиб қолганда чиқиши ҳақида хабарлар келган.

Ҳофиз ибн Касир: «Бу жонивор охири замонда, одамлар фасодга берилганда, Аллоҳнинг амрини тарк қилганларида ва ҳақ динни ўзгартирганларида чиқади», деганлар.

*(Давоми бор)*

***Islom.uz портали таҳририяти***